

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил ноябрь ойининг 11-куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи М.Марахимов, Ҳ.Омоновнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Н.Қобилжонов, судланувчи Б.Абдуразаков ва унинг ҳимоячиси Х.Абдурахмонов ҳамда жабрланувчи Р.Ибрагимованинг иштирокида, судланувчи Абдуразаков Бобирбек Гуламкадировичга оид 1-1513-2201/576-сонли жиноят ишини кўрди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Абдуразаков Бобирбек Гуламкадирович (Abdurazakov Bobirbek Gulamkadirovich), 1985 йил 17 октябрда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам;

1) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2004 йил 15 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «в,г» бандлари билан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

2) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2006 йил 5 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

3) жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2010 йил 19 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми «а» банди, 277-моддаси 2-қисми «б,в» бандлари билан 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

4) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 19 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

5) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2018 йил 15 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича



Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 2 августдаги ажримига кўра, суднинг ҳукми қонунга мувофиқлаштирилиб, ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисмига апсосан ҳаракатдан тугатилган;

б) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2019 йил 30 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

Марғилон шаҳар, Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғилоний кўчаси, 15-уй, 25-хонадонда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 30 сентябрь куни олган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Абдуразаков Бобирбек Гуламкадирович 2022 йил 15 август куни соат 23⁰⁰ ларда, ўзи яшаб келган Марғилон шаҳар, Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғилоний кўчаси, 15-уй, 25-хонадонда шаърий турмуш ўртоғи Ибрагимова Рўзихон Иброхим қизи билан ўрталарида келиб чиққан оилавий келишмовчилик туфайли жанжаллашиб қолган ҳамда жанжал давомида турмуш ўртоғи Р.Ибрагимова баданини турли жойларига қўллари билан уриб, унга қасддан тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2022 йил 7 сентябрдаги 2715-сонли хулосасида, Р.Ибрагимовада бош мия чайқалиши, чап чакка, чап кулоқ орти, иккала кўз косаси, ўнг елка, ўнг тирсак бўғими, ўнг болдир, пастки лаб соҳасини юмшоқ тўқималарини лат ейиши, қонталашлари ва шилинган жароҳатлари, бўйин соҳасини тирналган жароҳати, пастки лаб шиллиқ қавати остига қон қўйилиши ҳамда пастки жағ ўнг томондан 3 тишини травматик кемирилиши аниқлангани, бу жароҳатларни оғирлик даражаси соғлиқни қисқа, 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга соғлиқни бузилишига олиб келган енгил тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи Б.Абдуразаков судда, ўзига эълон қилинган айбловга иқроп бўлмасдан, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил июль ойидан Р.Ибрагимова билан шаърий никоҳдан ўтган ҳолда эр-хотинлик муносабатида яшаб келиши,



2022 йил 15 август куни турмуш ўртоғи ота хонадонига бормоқчи эканлигини айтгани учун унга 100.000 сўм пул бергани, шу куни соат 20ларда, яшаш хонадонига келган вақтида ётоқхонада сумкалар турганлигини кўргани, кейин турмуш ўртоғига овқат тайёрлаб беришини айтгани ва турмуш ўртоғи унга овқат тайёрлаб бергани, кейин турмуш ўртоғи Р.Ибрагимова оиласидагилар билан телефонда гаплашиб, у билан ортиқ яшамаслигини, бошқа яхши кўрган инсони борлигини айтгани, шунда жаҳли чиқиб унга қўл кўтарган бўлиши мукинлигини, лекин урганлигини эслай олмаслигини, кейин Р.Ибрагимовани ота-онаси келиб, уни уйларига олиб кетганини айтиб, ишни қонуний ҳал қилишни сўраб, кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи Б.Абдуразаков ўзига эълон қилинган айбловга иқроп бўлмаса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар, жумладан;

- жабрланувчи Р.Ибрагимованинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 15 август куни эрта билан укаси Россия давлатидан уйларига қайтиб келаётгани сабабли турмуш ўртоғи Б.Абдуразаковдан уйига бориб келиш учун рухсат сўргани, турмуш ўртоғи унга рухсат бериб, қўлига 100.000 сўм пул бергани, шу куни соат 18ларда турмуш ўртоғини уйига қайтиб келгани, бу вақтда турмуш ўртоғи Б.Абдуразаков маст ҳолатда бўлгани, шу куни соат 01-30ларда турмуш ўртоғи Б.Абдуразаков уни олдига кириб, унга овқат тайёрлаб беришини айтгани учун унга картошка қовуриб бергани, Б.Абдуразаков овқатланиб бўлганидан сўнг унга қишлоққа яхши кўрган йигитини олдига борганлигини айтганида, унга бундай гапларни гапирмаслигини айтгани, шунда Б.Абдуразаков уни юзига чой сепиб, қўллари билан юзига ургани, шунда оғзидан қон келгани ва у оиласидагиларга телефон қилиб, уни олиб кетишларини айтгани, кейин ота-онаси келишиб, уни уйларига олиб кетгани, эртаси куни эрталаб оғриқ қолмагани сабабли тез ёрдамни чақириб, шифохонага ётгани, шифохонада 8 кун ётиб даволангани, Б.Абдуразаков ундан кечирим сўрамагани, унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб, Б.Абдуразаковга қонуний чора кўришни сўраши ҳақидаги;

- гувоҳ Ю.Ибрагимованинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 15 август кунидан 16 августга ўтар кечаси соат 01-30ларда қизи Р.Ибрагимова уларга телефон қилиб, уни уйларига олиб кетишини айтгани, шунда бу ҳақда турмуш ўртоғи И.Ибрагимовга айтган вақтида, у қизи янги келин экани, сабр қилиши лозимлигини айтгани, бироздан сўнг қизи Р.Ибрагимова телефон қилиб, қиғлаб, турмуш ўртоғи Б.Абдуразаков маст ҳолатда уни ураётгани, тезроқ келиб олиб кетишларини айтгани, бу вақтда телефонда куёви Б.Абдуразаковни қизини ураётгани эшитилиб тургани сабабли турмуш ўртоғи билан бирга қизини яшаш хонадонига келишгани, уларни уйига кирган вақтида қизи Р.Ибрагимовани юзлари қон ҳолда эканлигини кўргани, кейин улар қизларини уйларига олиб кетишгани, эртаси куни тонгда қизи Р.Ибрагимовани соғлиги ёмонлашгани сабабли, тез тиббий ёрдамни чақириб, шифохонага ётқизишгани ҳақидаги;



- гувоҳ И.Ибрагимованинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 15 августдан 16 августга ўтар кечаси турмуш ўртоғи Ю.Ибрагимова уни олдига чиқиб, қизи Р.Ибрагимова телефон қилиб, турмуш ўртоғи уни ураётганини айтиб, уни уйларига олиб кетишларини айтганини айтгани, шунда унга қизи сабр қилишини, янги келин эканлигини айтгани, бироздан сўнг турмуш ўртоғи яна олдига кириб, қизи Р.Ибрагимова яна телефон қилгани, телефонда қизини турмуш ўртоғи урганлигини ўзи ҳам эшитганини айтгани, кейин автомашинада бирга қизи Р.Ибрагимовани уйига боришгани, у ерга борган вақтида куёви Б.Абдуразақовни маст эканлигини билгани, унга насихат қилмоқчи бўлганида, куёви Б.Абдуразақов уни ҳам урмоқчи бўлгани, кейин қизи Р.Ибрагимовани уйларига олиб келишгани ҳақидаги кўрсатувлари;

- шунингдек, суд тиббий экспертиза хулосаси (15-16) ҳамда иш бўйича тўпланган ва судда текширилган объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиғини топади.

Гарчи судда, Б.Абдуразақов содир этган қилмишига иқрор бўлмасдан, турмуш ўртоғи Р.Ибрагимовани урганлигини эслай олмаслигини айтиб, кўрсатув берсада, уни ушбу важлари, судда сўралган жабрланувчи Р.Ибрагимова, гувоҳ Ю.Ибрагимовани кўрсатувлари, шунингдек суд тиббий экспертизаси хулосаси билан рад қилинади ҳамда суд унинг ушбу важларига танқидий баҳо бериб, жавобгарликдан қутилиш мақсадида берилган кўрсатув деб баҳолайди.

Тергов органи томонидан судланувчи Б.Абдуразақовни ўзаро жанжал давомида турмуш ўртоғи ни уриб, қасддан енгил тан жароҳати етказишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Б.Абдуразақовга жазо тури ва унинг меъёрини тайинлашда, юқоридаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори тушунтиришларига амал қилиб, Жиноят кодекси 56-моддасига асосан илгари қасддан жиноят содир этган шахснинг қасдан янги жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, оилада ягона боқувчи эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унга нисбатан у айбланган модда санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд жабрланувчи Р.Ибрагимовани моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъвоси муҳокама қилиб, тақдим этилган ҳужжатлар асосида уни фойдасига 700.200 сўм моддий ва 2.000.000 сўм моддий зарар ундиришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Абдуразаков Бобирбек Гуламкадирович (Abdurazakov Bobirbek Gulamkadirovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Б.Абдуразаковга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддаси 2-қисми билан ойлик иш ҳақининг 30 фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо, уни ижросини назорат этувчи Марғилон шаҳар ИИБ томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатирилсин.

Жазо ўташ муддати судланувчи жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Марғилон шаҳар ИИБ Пробация бўлинмасига юклатилсин.

Б.Абдуразаковга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Б.Абдуразаковдан жабрланувчи Р.Ибрагимова фойдасига 700.200 сўм моддий ва 2.000.000 сўм маънавий зарар ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олганидан сўнг йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи

(имзо)

М.Марахимов

Нусхаси аслига тўғри,

М.Марахимов

